

ТАБИАТ БЕРГАН ПАНД БИРИНЧИ ЭМАС, ДЕҲҚОН ИРОДАСИ ҲЕЧ ҲАМ ЕНГИЛМАС!

КИШИЛОҚ ЖАДИТИ

Ўзбекистон Республикаси
Ижтимоий-иқтисодий
Газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 27 АПРЕЛЬ, сешанба, № 28 (5.984). Сотувда эркин нархда

МАРД МАЙДОНДА СИНАЛУР

Оллоҳ насиб этса ҳадемай етмиш ёшни қаршилайман, умримнинг асосий қисми бевосита дала билан боғлиқ. Шу боис, қарийб қирқ йилдан буюн деҳқончилик билан шуғулланиб, унинг сир-синоатлари ила тиллашаман. Ҳозиргисини ҳам қўшиб ҳисоблаганда йигирма йил ичида учта ҳужаликни бошқарганман. Бу давр мобайнида тармоқда узимга яраша тажриба орттирдим. Ишнинг паст-баландини улаштирдим. Ана шу тажрибага асосланиб айта оламаники, деҳқончиликнинг узига хос машаққати бор. Бу соҳада иш юритадиган одам етти ул-чаб бир кесадагидан қобилият соҳиби, айни вақтда таваққалчи ва қийинчиликдан қўчқинмайидан бўлиши керак. Ахир «чумчуқдан қурққан тарик эммайд» каби ибратли нақллар бежиз айтилмаган. Сабаби, деҳқон ҳар йили ерга уруғ қаддашдан бошлаб, то ҳосилни йиғиб-териб олгунга қадар табиий қийинчиликлар билан олишиб тер тукади. Уста ва омил миришқор шундай одамки, у доғда қолмаслик учун ишлари тадбирини об-ҳавога, табиатдаги доимий узга-ришларга қараб олади. Турғи олга ютади, янглисча бой беради.

Ҳужалигимиз ерлари сугориш қийин бўлган паст-баланд қирликлардан иборат. Бир пайкалнинг табиий ҳолати иккинчисига асло мос келмайди. Шунга қарамай ишнинг қўзини билиб, деҳқончиликни расамади билан қилаётганлигимиз боис, ҳудода шугур, ҳар йил барча соҳаларда кузлаган мақсадларимизга тула-туки эришиб келаямиз. Утган йили ҳам қарийб минг гектар ерда деҳқончилик қилдик. Галла ва пахтадан мул ҳосил олиб, белгиланган давлат режаларини ортиги билан уддаладик, 80 миллион сўм даромад қилдик.

Абдулла Эргашев ва Хо-

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ

Шундай қилиб, XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятини янгилаш борасидаги фаолиятимизнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат бўлиши керак?

Биринчи устувор йўналиш — мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш.

Ўзбекистондаги ислохотлар ва янгилаш жараёнларига баҳо берар эканмиз, шунга таъкидлашни истардимки, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш йўли ўз моҳияти эътиборига қўра мамлакатимизда амалга ошириладиган барча ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўлишига айланади.

Иккинчи устувор йўналиш — жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат. Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий поклашни ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойтадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан.

Учинчи устувор йўналиш — кадрлар масаласи. Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муволағисиз айтиш мумкинки, бизнинг келажакимиз, мамлакатимизнинг келажак, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ.

Тўртинчи устувор йўналиш — халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишни ифода этади.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислохотларнинг барча босқичида асосий йўналиш бўлиб қизиб кетади. Бу ислохотларимизга асос қилиб олинган беш тамойилдан биридир. Биз бундан кейин ҳам шу тамойилга таянган ҳолда иш олиб боришимиз керак.

Бешинчи устувор йўналиш — жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқлилик асосида шерикчилик қилиш, барча моҳаро ва муаммоларни фақат тинч сиёсий ва ҳуқуқий воситалар билан ҳал этиш тарафдори эканини яна бир бор маълум қилмоқчиман.

(Биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маърузаларидан).

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ВАШИНГТОНДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

ВАШИНГТОН. 26 апрель (УзА махсус мухбири Фарход Арзиев хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов НАТОнинг 50 йиллиги муносабати билан Вашингтондаги тадбирларда қатнашиш учун АКШга сафар қилаётган, 23 апрель куни Амстердам шаҳрида тўхтаб ўтди. Бу ерда мамлакатимиз раҳбари Европа Иттифоқи Комиссияси комиссари Ханс Ван ден Брук билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислам Каримовнинг АКШга ташрифи Вашингтонда «Умид» жамғармаси йўналиши бўйича Америка олий уқув юрталарида тахсил олаётган ўзбекистонлик талаба ёшлар билан учрашувдан бошланди. Учрашув 24 апрель кунини мамлакатимизнинг АКШ пойтахтидаги элчихонасида бўлиб ўтди. Шу кунини Ўзбекистон элчихонасида Президент Ислам Каримов Грузия, Украина, Озарбойжон ва Молдова давлат раҳбарлари билан учрашди. Маълумки, мазкур турт давлат минтақа доирасида транспорт коммуникацияси, савдо-сотиқ ва бошқа соҳаларда узаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида

иқтисодий ҳамкорлик ташкилотини (ТУАМ) тузишган. Вашингтонда ушбу ташкилот аъзолари сони яна биттага ортди - унинг таркибига Ўзбекистон ҳам қўшилди. Бу минтақавий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Вашингтондаги мулоқотида томонлар Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлини ривожлантириш борасида ҳамкорликни кенгайтиришга қарор қилди. Бу Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш гоясини амалга оширишда муҳим омил бўлиши шубҳасиздир. Вашингтонга сафар чоғида Ислам Каримов АКШ «Эксимбанк» президенти Ж.Хермон билан учрашди. Мулоқотнинг бош мазмуни Ўзбекистоннинг бу йirik мольвий муассаса билан ҳамкорлиги масаласи бўлди.

Ўзбекистон Президенти Урта Осиё ва Кавказ мамлакатлари давлат раҳбарларининг АКШ сенаторлари гуруҳи билан учрашувда ҳам иш тирок эди. Маълумки, АКШ Сенатидан Буюк Ипак йўли бўйича қонун қабул қилиниши кутилмоқда. АКШ сенаторлари билан учрашувда давлатимиз раҳбари бундай савб-харакатни қўллаб-қувватлаётганини айтиб, фикр билдирди.

25 апрель кунини Президент Ислам Каримов Вашингтоннинг қоқ марказида жойлашган «Рейган билдинг» саройида НАТОнинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган

саммитнинг ялпи мажлисида иштирок этди ва сўзга чиқди. Вашингтонга НАТОга аъзо 19 давлат ҳамда унга қўшилмаган, лекин альянс билан ишчилик ҳамкорлик қилаётган 23 мамлакат вакиллари ташриф буюрган. Ялпи мажлисда келаси асрда НАТОни ривожлантиришнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқиш масаласи қўриб чиқилди. Айтиш мумкинки, Шимолий Атлантика ҳарбий блоки XXI асрда хавфсизлигининг энг ишончли омилларида бири бўлишига интилмоқда. Саммитда ташкилот сафини кенгайтириш ва ҳамкорлар билан алоқаларни янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани ҳам шундан далолат беради.

Шу кунини давлатимиз раҳбари Жаҳон банки гуруҳи президенти Ж.Вулфенсон билан ҳам учрашди. Учрашувда томонлар узаро ҳамкорликни ривожлантириш, бу борада мавжуд имкониятлардан тула фойдаланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ташрифининг 25 апрель кунини дастурдан жой олган яна бир муҳим воқеа — Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов билан АКШ давлат котиби Мадлен Олбрайт ўртасида бўлиб ўтган учрашувдир. Узаро мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АКШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи, икки томонлама сиёсий-иқтисодий муно-

сабатларни янги поғонага кўтариш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар қўриб чиқилди.

Шу кунини кечқурун давлатимиз раҳбарини элчихонасида АКШ Конгресси вакиллари палатасининг даромадлар ва харажатлар бўйича қўмитаси раиси Б.Арчерни қабул қилди.

Бугунги кун дастуридан ҳам иккита муҳим учрашув урин олган. Мамлакатимизнинг АКШдаги элчихонасида Президент Ислам Каримов давлат раҳбарлари билан учрашди. Маълумки, мазкур турт давлат минтақа доирасида транспорт коммуникацияси, савдо-сотиқ ва бошқа соҳаларда узаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида



Биздан ҳаракат...



сабатларни янги поғонага кўтариш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар қўриб чиқилди.

Шу кунини кечқурун давлатимиз раҳбарини элчихонасида АКШ Конгресси вакиллари палатасининг даромадлар ва харажатлар бўйича қўмитаси раиси Б.Арчерни қабул қилди.

Бугунги кун дастуридан ҳам иккита муҳим учрашув урин олган. Мамлакатимизнинг АКШдаги элчихонасида Президент Ислам Каримов давлат раҳбарлари билан учрашди. Маълумки, мазкур турт давлат минтақа доирасида транспорт коммуникацияси, савдо-сотиқ ва бошқа соҳаларда узаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида

«ҚўЙНИНГДАГИ ТОШНИ ТАШЛАГИН, БОЛАМ!»

Мухтарам Президентимиз феврал воқеалари муносабати билан мухбирлар соволига жавоб қайтара туриб: «Биз кеңиримли халқимиз. Бу йўлга адашиб қириб қолганларни кеңирамиз...» дедилар. Ушбу сўзлар замирида халқимиз характерининг бе-ниҳоя ноб қирраси узининг бутун салобати билан эркин намоён бўлди. Кеңиримлилик — мардларга хос фазилат. Кеңиримлилик — халқ қудратининг, маънавий юксалиги ва бағри кеңлигининг белгиси. Бу — юрт осойишини, миллат жинслиги, давлат барқарорлигини қўллаб қўллаган фазлу қарам, иноят ва мурув-вазир.

Ва бу мурувват унлаб, юзлаб адашганларнинг қоронги кўнглини ёритди. Инсофга, тўғрилиқка бошлади. Улар бош эгиб, узр сўраб келмоқдалар. Бу — ҳидоят мақбул албатта. Аммо...

Яқинда «ойнаи жаҳон» орқали бир бағри хун, боши эгик отанинг яшириниб юрган гумроҳ углига қарата қилган мувожазани кўрдим. «Қўйнингдаги тошни ташла, болам», деган нидосини эшитдим. Беҳ-тиёр бир лаҳза ўзимни унинг урнига қўйдим. Унинг қалбидagi ўқини, надомат бир лаҳза меннинг қалбимга қўнди. Юра-гидagi уят ва аламини юрагимдан ўтказ-ди. Вужудим уят оловида ёнди, сунгра янандан музлаб кетди. Нечоғлик вақтинча шармандалик бу. Улимданда оғир бу қур-ғиллик. Алҳазор!

Алҳазор, дедим. Хавлим оғриқли хоти-раларга тўлди. Фикран Мирзо Улуғбек бў-либ, нобакор ва давлатпараст жигарбан-дим Абдуллатифнинг хунқорлигидан урта-ниб: «Мен дардимни кимга айтаман дея йиғладим.

Кейин мен қаҳр билан «Уф»-даги Ик-ромжон бўлиб қурқоқ ва номард уғлим

ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА СОЛИҚ ОРГАНЛАРИНИНГ НОПОК ХОДИМЛАРИГА НИСБАТАН ТАЛАБ БИР НЕЧА БОР КЎПРОҚ, ЖАЗО ЭСА ЯНАДА ҚАТТИҚРОҚ БЎЛИШИ КЕРАК.

Ислам КАРИМОВ

ТИПРАТИКОННИ ТЕСКАРИ ЮТАСИЗМИ?

Порахўрга пора, деб берсанг, типратиконни тескари ютади, деб ёзганди устоз Абдулла Қаҳҳор... 1998 йил давомида шахсий манфаатини юрт-ниқидан устун билган 55 нафар нопок солиқ хо-дими жинсий жавобгарликка тортилди. Афсу-ски, шундай ҳолат бу йил ҳам давом этаётганлиги жуда ташвишли. Шу йилнинг январь-февралги ойининг ўзидаёқ республика солиқ идоралари-нинг 13 нафар ходими устидан жинсий иш қўз-гатилди. Энг ачинарлиси, пора олиб ёки фириб қилиб қўлга тушавтганлар орасида масъул раҳ-бар ходимлар ҳам бор. Айниқса, бундай номан-қул-чиликлар Тошкент шаҳрида, Самарқанд, Наманган, Фарғона вилоятида кўп учрамоқда. Қуйидаги воқе-алар бунга яққол мисол бўла олади.

Фарғона вилоятида шу йилнинг турт ойида икки нафар раҳбар солиқчи ус-тидан жиноят иш қўзга-тилганига нима дей-сиз? Агарки солиқчи мансабидан фойдаланиб нопокликни ихтиёр этса, бундан ёмони йўқ. Ахир у давлатимиз ха-зинасини тўлдиришга бе-восита масъул шахс. Бироқ, афсуски, маънавияти каш-шоқ, уз манфаатини кўнли-қидан устун қўйгувчилар бунини тўшунмайди, туши-ниши истамайди. Чунки, уларда виждон йўқ, ория-т, гурур йўқ.

Юртбошимиз айтганла-ридек, адолат бузилдими, раҳбар унинг устидан на-зоратни ўйотқудими, иймон-иродаси су-сайдими — билингни муҳит бузи-лади, нопок-лик пайдо бўлади.

Баҳодир Абдуқодировни Фарғонада қўриқлик яқши билди. Кимсан вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлигининг уринбосари. Тағдира хизмат автомашина-си, атрофда юзлаб одам-лар гирдақалапак, даврла-рининг тури уники эди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКНИНГ КУРАГИ ЕРГА ТЕГМАСИН

Мустақиллик бошқа соҳаларда бўл-ганидек спорт жаҳонига ҳам юрти-миш доврнинг халқига таратиш учун мисли қўрилмаган имкониятларни юз-га келтирди. Республикаси Прези-дентининг бевосита қўллаб-қувватла-шлари билан ўзбек кураши халқаро ми-қёсда зафарли юришини бошлади. Тошкентда ўтадиган биринчи жаҳон чемпионатига дунёнинг ўнлаб мамла-катларидан полвонлар иштирок эти-шга розилик билдирганликлари ана шундан яққол далолатдир.

ХАТОМИ, НОМАРДИКМИ?

1973 йилнинг сунгида ҳам йиллик ҳарбий хизмат ҳам ниҳоясига етди. У яна узининг она юрти Бухоро-га қайтди. Энди навабт Москвадаги чемпионатга. Со-бир шу муносабатда голиб чиқсанига, Европа ва жаҳон биринчиликларида ишти-роқ этиш учун йўл очил-ди. Собир бунинг яқши ту-шунарди. Шунинг учун ҳам у тайёргарлик машқурида узини аямди. Саккиз соат-лаб кураш залларида қо-либ кетди, сир-синоати му-рақабат машқури урганди. Бадамининг «суви»ни чиқа-риб ишлади. Саксон кило-граммдан ортиқроқ вазини етмиш турт килограммга туширди.

Ниҳоят 1974 йилнинг март ойида Литваннинг Кау-нас шаҳрида чемпионат байроғи кўтарилди. Даст-лаб Собирга грузиялик хал-қаро классдаги спорт уста-си Маргелани рубур бўл-ди. У ҳеч ким кутмаган чи-ройили усуллари ишлатиб

Миллий курашимиз руҳида тарбия олган истеъдодли полвонларимиз ил-гари спортнинг бошқа турларида бел олишига мажбур бўлишган. Аммо миллий курашимиз анъана ва усул-ларини авайлаб сақлаганлар.

Ана шундай номдор полвонлари-миздан бири Собир Курбоновдир. Бухоролик журналистлар Абдуразоқ Қўшша ва Дилмурод Жаббор ушбу полвонимизнинг шохсупа сари таш-лаган дадил қадамлари ҳақида ҳая-жон билан ҳикоя қиладилар.

лар қоракоч, қора қуз бу ўз-бек йиғити олдидан узларининг ожизликларини тан олишга мажбур бўлдилар. Собир томошабинларнинг энг сеvimли полвонига айланади.

Финалда Собир Европа ва жаҳон биринчиликлари-нинг бир неча бор соврин-дори, халқаро классдаги спорт устаси қаунаслик Ку-рицин रुपара бўлди. Рақи-би ниҳоятда тажрибали эди. У эҳтиёткорлик билан майдонга тушди. Энг муҳи-ми, ўзбек полвонига ўз усуллариин ишлатиш имко-нини бермаслик лозимли-гини Курицин яқши тушу-нарди. Акс ҳолда... Собир ҳам бу номдор полвон-дан анвойилабдан эмаслигини, хатто очқолар бўйича бул-са ҳам олдинга ўтказиб қўймайди лозимлигини англаб турарди. Чунки Ку-рицин майдон эгаси эди-ди. Ноҳақлик бўлиши ҳам ҳеч гап эмас. Курицин бир неча бор олдидан дада-стлаб бор икки очқони қўл-

(Давоми 4-бетда).

«ОТ ЧОПСА, ГУМБУРЛАР ТОГНИНГ ДАРАСИ»

Она — Ватанимизни тасаввурга келтирмакчи бўлиб, уни йилнинг тўрт фаслидаги манзаралари билан бирданга қамраб олмакчи бўлганга, худо берган жаннатдек улқа куз унингизга келади. Она, Ота, Ер, Фарзанд сиймосида жонланади. Бутун аждодларингиз айтиб келган, ота-онангиз қуйлаган ва Сизнинг қулгингизга қўйган, Сиз таранним этган ва болаларингизга илҳамлаган бир қўшиқ тилингизга қўйилиб келади.

«Очилар боғларда баҳорнинг гули, Гулни кўрса маст бўл сайрар булбули».

Яна: «Кечани мунаввар қилар тўлган ой, Савашни кун тортилади парли йи».

Яна: «Тикилсам қурйди дарбнинг гули, Назра тортсам қўриқ қўрғоннинг тимси».

Бу байтларни биз кичикликдан ва биламиз. «Алломиш» достонини билмаган уzbek боласи йўқ.

«Алломиш» халқимиз билан бирга тугилган, ҳаётнинг ачқик-чучгани, ширинини биргаликда тотиб, умр кўриб келаватган достон. Бу достон қанча кўна бўлса, шунча навқирон ким. Қўрғоннинг хавлга анқ қелтириши учун бир мўқома келтирайлик:

Олимлар «Алломиш» билан Хомернинг «Одиссея» достони воқеаларида эгизак ҳолатлар турғанини таъкидлайдилар. Бунинг боиси, «Алломиш» ва «Одиссея» сюжетлари тўғрисида бу достонларни тўққан ва боққан гоёт қадимий эназожегит мавқудлигидир. Эътибор бериш: «Одиссея» энази олингандан бери 2500 йилдан кўпроқ вақт ўтди. У энази олинганга эса неча аср қуйлаганини ҳеч ким билмайди.

Бинобарин, бу эназожегитдан баҳра олган бу икки эпоснинг ҳар бири миллий, ҳар бири бетакорор, ҳар бири юксак санъат намунаси. Бу достонларнинг ҳар бири 2500—3000 йилдан ошди. «Алломиш» ана шундай кўна достон.

Энди «Алломиш»нинг навқиронлигига келсак. Бу достон ўзбекистоннинг барча вилоятларида ҳалқ шоирлари томонидан қуйланади. Шундай: китоб ҳолида

«Алломиш» достони китоб ҳолида 400 бет, шеърини қисмининг ўзи 13 минг 715 мисрани ташкил этади. Достоннинг уч ой давомида қуйлангани ҳақида маълумот бор.

400 бет, шеърини қисмининг ўзи 13 715 мисрани ташкил этган мазукур муҳташас асарни достончи қуйлайди. Ҳа, достон — синкретик санъат намунаси. Достонда суз (адабий матн), соз (кўй), овоз (актёрлик маҳорати) бирилади. Тингловчилар давраси, улар билан буладиган узаро ижодий муносабат достончиликнинг шартларидандир. Бу изоҳлардан муқоимиз шукки, «Алломиш» достони пайдо бўлганда бошлаб, то ҳозирги куларимизга жонли эпик ашънада яшаб келмоқда. Бу мислсиз ҳодисадир. Модомики, шундай экан, «Алломиш» ҳар бири янги насл юрагида янги-

Сарчашма

ланмоқда, яшармоқда. У достон сифатида уз умрини тукис яшаб келмоқда. «Алломиш» шеърлари, сажа-ри (қофияланган насро) мукамаллигининг, достон оқса-к бадий умумлашларига боилгининг бир сабаби шу ерда. «Алломиш»нинг шеъри ва насрида ўзбек тили узининг бутун бойлиги, рағинчилиги, жозибаси, қончирлими, мусиқилиги, кудрати ва бошқа фазилатлари билан яқол навоқдир. «Алломиш» ўзбек бадий тафаккурининг, халқ шеърининг ва насрининг, мусиқисининг, театрнинг жаму-лжамидир. У бутун, ҳам бахшилар томонидан қуйланмоқда. Синкретик санъат намунаси сифатида уз умрини тула яшармоқда «Алломиш» навқиронлигининг сабаби — шунда.

Шу уринда бахшиларнинг қуйлаш усули ҳақида ҳам тўхтаб утиш жоизга ўхшайди. Яъни билмамизки, бахши ички овозда қуйлайди. Шоберди Болтаев ёки Шомурод Тоғаев достон қушқиларидан айтаганда эътибор бергансизки, уларнинг томоғида шаллописи бордек ёки

гул бўлиб очилган юраги устида булбул сайраётгандек туюлади. Мана шундай сеҳрга эга бўлганки, ўзбек бахшиларининг бахшилари эл халқ томонидан булбул деб таърифланган. «Алломиш» достонини зур маҳорат билан қуйлаган Йўлдошбулбул, «Гўрулги» достонларини қуйлаб доврүк қозонган Жуманбулбул шулар жумласидандир.

«Алломиш» — қаҳрамонлик достони, «Гўрулги» — ишқий-романтик достон. Халқ шоирлари қаҳрамонлик достонини ботир қилиб, ишқий-романтик достонларини эса, сулув қилиб айтайлар. Мана шу мисоллар ўзбек достончилик санъати қанчалик кенг эстетик мик-роста эга бўлганини ва қанчалик юксакликка кўтарилганини намойиш қила олади. Достонни қуйлаш йўли ҳақидаги фикрларимизни жамлаб, айтишимиз керакики, ички овоз «Алломиш» каби улуг қушқиларни уларнинг мазмунини ва шаклига хос барча фазилатларни тула намойен қилган ҳолда қуйлашга имкон берган. Бахшининг қуйлаш йўли бир неча кун давомида (Амин бахши «Алломиш» достонини уч ой давомида қуйлагани ҳақида маълумот бор) қуйлаганида, у уз овозини узок мўдат давомида тежаб-тергаб фойдаланишга ёрдам берган. Суичи эгитларга суичи бир мевъарда тараб қўйганидек, улуг бир қушқини бир нафасда айта олиш учун бахши ҳам уз овозини беҳисоб шеърини эгитларга тараб қўяди...

«Алломиш» достони ўзбек фольклорининг энг гузал фазилатлари, куз илғаб бўлмас даржадаги микўсалар, чинакам халқчил философи ҳақида фикр юритишга асос бўла олади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махус қарори билан «Алломиш» достонининг катта тўйини ўтказишга хозирлик қури-лаётгани халқимиз бадий оғзаки ижоди меросини авайлаб-асраш ва авлодларга етказиш йўлида олиб борилаётган эзгу ишларини яна бир шаходатидир. Мустақиллик шарофати билан амалга оширилган улуг бунёдкорлик фойалигининг яна бир намунаси, акс-садосидир. Дарҳақиқат, «Алломиш»да таранним этилганидек:

От чопса, гумбурлар тоғнинг дараси. Муҳаммадали ҚУШМОҚБой.



Китоб бор жолда маънавият зиёси нур соцади. Окқўрғон туманидаги «Қаҳрамон» жамоа хўжалиги ҳудудидаги 44-ўрта мактаб кутубхонаси ху-сусида худди шу гапни айтиш мумкин. Унинг фондида 14 минг китоб бўлиб, 500 нафар ўқувчиси бор. Кутубхоначи Ў. Қурбонова хизматидан кўпчилик мамнун. У 22 йилдирки, бу масканда зиё таркатиб келмоқда. Суратда: Ў. Қурбонова фаол китобхона ёшлар билан.

Китоб бор жолда маънавият зиёси нур соцади. Окқўрғон туманидаги «Қаҳрамон» жамоа хўжалиги ҳудудидаги 44-ўрта мактаб кутубхонаси ху-сусида худди шу гапни айтиш мумкин. Унинг фондида 14 минг китоб бўлиб, 500 нафар ўқувчиси бор. Кутубхоначи Ў. Қурбонова хизматидан кўпчилик мамнун. У 22 йилдирки, бу масканда зиё таркатиб келмоқда. Суратда: Ў. Қурбонова фаол китобхона ёшлар билан.

П. ЭРҒАШЕВ олган сурат.

НИГОҲИДА БАЛҚИДИ ҚУЁШ

Қишлоқ аҳли бадий адабиётни ўзига хос тарзда кашф этади. Қишлоқ табиатга яқинроқ бўлгани учунми ёхуд табиатнинг ўзи қишлоқдан бошлангани тўғрисида ҳар ҳолда қишлоқда яшайдиган халқнинг тўғрулиги, ҳис-ҳаяжонлари табиатнинг ўзидая самимий ва боқира бўлади. Албатта, шаҳар ўзига яраша мукамал маданиятга эга. Бирок шаҳарликлар ҳам қишлоқлардаги сулим табиатни соғиниб ашайдилар. Буш вақтлари бўлди дегунча табиат кучигога интиладилар, тупроқларда ялангоёқ юриши, ер агдариб, экин экишни кўрсайдилар. Инсон табиатдан қанчалик узоклашган сари, табиат қадрини шунчалик қаттиқроқ ҳис эта боради.

Демак, табиат инсонни тарбиялайди, шоир-ёзувчиларни воғға етказиши. Улар яратган маданий бойлиқни, адабиётни ҳам тўғрулиги табиат инсонлар мукамалроқ тўғрулиги яқинроқ ҳис этадилар. Зотан, улуг бобоклонимиз Абу Наср Форобий бадий адабиётнинг асосий хусусиятини шундай таърифлаган эди: «Шеърят — бу табиатга тақлидир».

ЭЛНИНГ СУЮКЛИ ФАРЗАНДИ

Шу жиҳатдан катта ёзувчилар битган юксак асарларда қишлоқ аҳли уз табиатларини, оруз-армонларини, тақдирларини, турмуш тарзларини кўрадилар. Айнан шунинг учун ҳам бадий адабиёт қишлоқликлар кўнглига яқин.

Адабиёт назариялари, турли адабий йўналишлар, усуллар, оқимлар ва яна ҳилма-ҳил мезонлар халққа бергана. Халқ учун энг муҳими ҳаёт ва муҳаббат. Қолган барча инсоний хусусиятлар ана шу икки кўтб ичра намоён.

Халқ кўнглига ана шундай яқин адиблардан бири — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хамид Гулом. Адабиётдаги икитта муҳим хусусиятини — халқчиликни ва табиийлигини ижодининг асосий дастуриламали деб билганлигини учун ҳам Хамид Гулом узини ҳаммаша халқ билан бирга сезди, халққа хизмат қилди ва халқ меҳрига мушарраф бўлди. Мана, яқинда ёзувчи 80 ёшга тулди. Умрини бадий ижодга бахшида этган ёзувчи учун 80 йил ҳазиллакам ёш эмас. Ана шу муборақ ёшларида ҳам Хамид ака тетик ва бақувват, қирчиллама йигитлардай гайратли, руҳияти соғлом бўлган инсонларгина ана шундай бардам ва соғ-саломат ашайдилар.

Таниқли адиб, Ўзбекистон ёзувчилар уюмчаси раисининг биринчи ўринбосари Йўлдош Сулаймон Хамид Гулом бадий ижоди сифатига шундай таъриф берган эди: «Хар бири уз вақтида адабиётимизда воқеа бўлган «Машъал», «Сенга интиламан», «Тошкентликлар», «Би-нафша атри», «Мангулик» романларини ва бошқа қанча қиссаларини, поэмалари ва ўнлаб шеърини китобларини, «Фаргона ҳикояси», «Тошболта ошқ», «Уғил ўйлантириш», «Ажаб савдолар», «Дил қузгуси» комедиялари, «Му-ҳаббат таронаси» сингари драмалари ва яна қўнлаб пуб-лицистик асарларининг ҳаммасини бир эрга жамлагани-мизда адиб Хамид Гулом бутун бўйи билан қуринади, унинг қўшини бутунмасини куз олдимизда чарақлайди».

Биз Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хамид Гуломнинг мубо-рак ёшлари билан кўтар эканмиз, қўвуш у кишининг ниғоҳларида ҳаммаша чарақлаб туришини тилаймиз.

Рустам МУСУРМОН.

Дон бераман, сув бераман — Ярагин, митти қушим! Ўғратган сўзим айтиб, Сайрагин, митти қушим!

Холмат МИРЗАКАРИМОВ олган сурат-лавҳа.

ЎЗБЕКНИНГ КУРАГИ ЕРТА ТЕТМАСИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

га қиритиб, шу устуликни охиригача сақлаб, қолиб бўлиб кетганлардан.

Литвалик полвон аввалига бир-икки ушл ишлашти-га ҳаракат қилиб қурди, бўлмади. Собир ёш бўлса-да, ботиний бир нўд унга рақибининг режаларини илгаридан оғоҳ қилиб қуя-рди. Қуридан қўлибни қур-қуни ва ақли эканлигини се-зиб ва химояга утиб ол-ди, сууст ҳаракат қила бошлади. Бирок ҳакамлар бунга жиддий эътибор бе-ришмади. Оқчиқасга мар-дама курашдан буйин тор-таётган бу тажрибали, қув рақибга қарши бирор усул ишлатишда Собир имкон тополмай халак эди. У уз о-датига хос фаол харакат-лар қилди. Бирок 10 ми-нутлик олишув теиғ очко-ларда ақунланди. Ҳакам ик-кала полвонни майдон ур-тасига чорлаганда Собир ҳаяжондан энтиқиб кетди: «Ниҳоят, у мусобақа че-مпиони?» Томошбинлар ҳам, олдинги олишувлар-дан сунг унга гуллар ҳадя этган қизлар ҳам Собирни олқишларди. Ҳакам шу чоғ унинг билганини сиқиқ қилди. Шу лойиқ радиокар-наларнинг кўнглини, мушар-рафнинг фикри сифатида дурдилроқ овоз янгради: «Ушбу олишувда халқроқ классдаги спорт устаси Ку-рицид қолиб деб топилди!»

Собирнинг кўз олдн кор-ноғиллашди. Аламдан дод деб юборгиси келди. Бир-ок узини босди. Кўпни курган спортчиларга хос ра-қибининг қўлини сиқиқ, қуларини унинг қуларига нафур тикди. Қурақасо-линдинга кўм-қў қуларини олдиб қочди, кейин Собир-га қараб мийғида қулиб қўйди. Мана шундай мас-ҳараомуз киноларни қуриб Собир бир кун устози, пе-дагогика фанлари доктори, профессор Абдулла Атоев-нинг сузларини эслоди. «Сен тенг олишувда Евро-палик полвонлар устидан қолиб чиқмаган деб асло уйлама. Улар билан шундай олишгинки, сенинг устуи

эканлигинг борасида ҳеч ким-да шубҳа қолмасин. Сенинг голибболгининг тан олишга махбур бўлсинлар».

МАДРИД ОЛҚИШАГАН КҮН

Каунасадаги бўлиб утган мамлакат чемпионатида хил-ма-хил усуллар билан узини-ниг катта курашчи эканлигини намойиш этган Собир Евро-па биринчилигида мамлакат терма жамоаси сафида иш-тирок этиш учун рўйхатга ол-линди. Энди у энг қўзга ку-ринган мураббийлардан би-ри С.Ф. Ионов рақобатли-даги машғулотларга қатнаша бошлади. Машқлар пайтида самбо бўйича таниқли мута-хассислар иштирок этишди. Улар ўзбек миллий кураш мактабидан чиққан Собир Курбоновнинг келажиги пор-лоқ эканлигини, кураш ола-мида хали маълум бўлмаган усуллар билан самбо кура-ши имкониятларини янада бойитиши мумкинлигини ош-қора қайд этишди.

Ниҳоят оруз қилган қулар ҳам этиб келди. 1974 йил-нинг 27 июнида Испанияни-иғ гузал пойтахти Мадриди-ниг марказидаги катта спорт саройида самбодан Европа чемпионатидаги старг берилди. Таркиий обидларга бой Ма-дрид нимаси биландир қўна Бухорони эслатарди, — деб эвиз қўйди Собир уша кун-и нар дастарчасига. — Испан-лар юзидаги табассумини, са-мимиятини курганда Собирни-иғ кўнглига илиқлик югурди. Беғоналик унинг вужудини тарк этди. Биринчи олишув-чи ҳам худди эз юртида, сер-қувш Ўзбекистоннинг осмо-ни остида ўтказётгандек эр-ки бошланди. Собир фан-чилик Жорж Пекетунини олишувнинг учинчи минути-дак устидан ошириб, бутун ўн-бай-баси билан ерга урган-да томошбинлар оёққа қал-ди. Англиялик Килррой, бул-ғор Денев, голланд Долма-ни, испан Хосе Сечени ҳам-да финалда англиялик Р. Бак-ки улар учун тамоман нота-ниш бўлган ўзбек миллий ку-рашнинг ҳўларидан асосан, оёқни ичдан илдириб усту-дан ошириб ташлаш натижа-

сида мағлуб этди. Мадрида-ги барча олишувларда бири-бирини тақорламас усуллар, соф галабага эришган Собир Курбоновга чемпионатнинг энг кучли ва маҳоратли спо-ртчиси деб баёлидиган муқо-фот — Испан дарвозаси» со-врини берилди.

БАТҶУХМИ ЁКИ ҚУРБОНОВ?

1974 йилнинг июль ойида Монголиянинг хушхаҳо пойтахти Улан-Баторда бўлиб утган жаҳон чемпионатидан сунг Собир буткул оромини йўқотди. Ушбу чемпионатда иштирок этган унинг рақиб-и литваллик Курицид жаҳон би-ринчилигининг финалида монгол курашчиси Батцухга ютқазиб қўйди. Батцух икки-чи бор 74 килограмми оғир-ликда жаҳон чемпиони бўл-ди. Бундан тўрт ой илгари эса Собир Батцухга ютқаз-соғ галаба қозонган эди. Со-бир ушунда Курицидга ачи-мади. Омад узага юртва юз бурганига ачинди, ҳолос. Агарда ушунда гайрлик ва галабга Собирга берилши ёки Курицид билан қайта бел-лашув ўтказилб, жаҳон би-ринчилигида энг зур кураш-чи бориши керак эди. Бирок, бундай бўлмади. Собир Бат-цухдан, нафакат ундан, бал-ки уз вазида ҳаммадан куч-ли эканлигини ҳис қилар, би-рок голиблик, музаффарлик тожи Батцухга кетганлигидан қуинарди. Энди у фақат сам-бодан жаҳон чемпиони бў-лиш орузси билан яшарди.

Ниҳоят, 1975 йилнинг май ойида Улан-Баторда самбодан бўладиган халқроқ турнирга Ўзбекистон терма жамоаси сафида Собирни оуборядинг бўлиши. Батцух уз вати-нда, ҳамюртлари олднда, ал-батта жон-жаҳди билан оли-шади. Агар Собир Батцухни енсга, сентябрда Белорус-иянинг пойтахти Минскда бўладиган жаҳон чемпионати-да қатнашади. Май ойида Гендрий Иванович Калеткин раҳбарлигида Ўзбекистон терма командаси Монголия-га учинди. Ҳаммаси тренер-

лаб уйлагандек бўлди. Собир ҳам, Батцух ҳам барча рақиб-ларини ютиб, финалда би-ри-бирига тагин рупара бўлиш-ди. Батцух Боқудга мағлу-бияти учун интиқом олиш пай-ти келганлигини биларди. У биронча галабасидан сархуш бўлмади. Барчасига одатда-ги ҳолдек қаради. Чунки ол-динда Собир Курбонов билан курашиш бор. Ҳаммаси кей-ин уйларида у, Собир эса айни дамда бу тождор полвондан кучли эканлигини курсатиш иштиқига эди. Қани ким қул-ми? Жаҳон чемпиони Батцух-ми ёки Европа чемпиони Со-бир Курбоновми?

Биринчи дақиқалардаёқ Собир рақибини жон-жаҳди билан курашишга мажбур қилди. Катта куч ва тажриба-га эга мўғул полвонни бунн қулаган чоғи. Собирнинг кет-ма-кет усуллар ишлатишидан бар бум гангиб қолди. Ўзбек полвонни кейинчалик самбо курашида «Қурбонова усули» номин билан муҳраланиб қол-ган — оёқни ичдан илдириб, рақиб мувозанатини ердан узиб олиш усулини қулади-да, рақибини устидан оши-риб гиламга босди. Соф га-лаба! Шу чоғ соат миллари кураш бошланганидан 5 ми-нуту 45 секунд бўлганлиги-ни курашчи турарди. Калет-кининг шу пайтадаги холати-ни курсангиз эди, у қарна-валда уйнаётгандек ракс ту-шади. Йўқ, у бундан ҳам қо-ниқмади. Собирни гиламдан кутариб олиб чиқди. Томо-шабинлар ҳам бир мўдат қо-тиб қолишди. Бу чиройли ишлатишлар усулдан сармаст-лик эди.

Турнирдан сунг Батцух Со-бирни уз уинга меҳмонга тақ-риф этди. Унинг шарафига катта зиёфат берди. Зиёфат-да унчалик ҳам кўп одам йўқ эди. Батцухга фақат Собир керак эди, ҳолос. Барбери унинг уйига қушга мутахас-сислар йигилишди. Собир Батцухни сездирмагина узи-га узок-узок тикилаётганини сезди. Қарашларида ҳам, му-лоззаматларида ҳам Собирга

қандай усул бўлди. Гилам уртасидаги ҳакам олишув-ни тўхтатди. «Халол», Бел-лашувнинг тўртинчи мину-тидаёқ ҳакам Собирнинг қўлини бандат қутарганда Син Кадзуми анча узига келиб қолганди. У Собир-ни елкасидан қучиб, «Сен чемпионсан» дея унинг қуларини маҳкам қисди.

Иккинчи олишув жаҳон чемпиони Батцух билан бўлди. У дастлаб япон пол-вонидек очколар ҳисоби-да олинди борди. Нима бўлапти узи? Наҳот Собир япон билан бўлган олиш-шувдан сунг, хали кучини тиклаб улғурмаган бўлса? Собир оёқни ичдан илди-риб, Батцухни ердан узиб бўйи баробар умбалоқ ошшрди. Лекин чемпион тикка оёққа тушди. Чунки бу усул Батцухга таниш эди-да. Барбери Собир очко олди. Очколар тенг-лашди. Шундан сунг Со-бир Батцухга бир сония ҳам ҳаловат бермади. Усул, усул кетидан яна усул...

Туртинчи минутдаёқ монгол полвони сув юзи-да муаллак турган қайиқ-дек чайқала бошлади. Ҳа-кам олишувни тўхтатишга мажбур бўлди. Мусобақа хали ярим бўлмаб Батцух чемпионлик тожи билан хайралашди. Ушбу олишув-дан сунг шиддаткорона ку-раш тўшадиган, чарчас-ни милагини билмайдиган қорамгайдан келган бу ўзбек йигитига журналист-лар «Бухоро йўлбарси» деб ном беришди. Оруз қилинган шиддат шохсу-лсига эса бир қадам қолган эди.

Кейинги полвонларни енгитиш Собирга унча қийинчилик қилмади. Фи-налда испон полвонини мағлуб этиб, Собир жаҳон чемпиони ўнвонини олиш-га муваффақ бўлди. У ния-тига етди. Ушбу мусоба-қада Собир билан бирга-ликда яна бир ўзбек ўғло-ни, қашқадарлик полвон Сайфицдин Ходиев ҳам жаҳон чемпиони деган су-вақ унвонга сазовор бўл-ди. Бу ўзбек миллий ку-раш мактабининг улкан муваффақияти деб баҳо-ланди...

Абдулазқок ҚУШША, Дилмурод ЖАББОР.

БУ ОЛАМИНИНГ СИРЛАРИ КЎП

Уйқусизлик хотирани-иғ ёмонлашишига энг катта сабаб бўладиган ҳоллардан бири, Уйқу-сизлик натижасида биз-нинг миямиздаги маълум-отларни қабул қилиб оладиган марказ ишдан қичиб хотиранинғ ёмон-лашувиго олиб келади. Вақтида мириқиб ўхлаб олинг.

Денгизда яшовчи кал-марларнинг 300 дан ор-тиқ турлари бўлиб улар-нинг катталиги 2 см дан 5 м гача келади.

Улар калмарлар эса 6 м дан 13—18 м гача ета-ди ва оғирликлари 300 кг дан бир тоннагача ета-ди. Уларнинг қулгина тур-лари яхшигина озуқа са-налади.

Илгариги фантастик асарларда уқларга ми-ниб саёҳат қилинган. Кейинчалик бунинг ило-жи топилди. Ҳўп, шундай саёҳатларда учувчилар узларининг учуши учун

отилган тулпар товушини эшитганми? Бунга хозир-ги кунда мактаб ўқувчиси ҳам жавоб беради — йўқ деб. Сабаби уз тез-лиги билан товуш тезлигининг фарқи-да. Қаранг, хозирги замон миллиқлари ўқнинг учушига 900 м. сек. тезлик беради. Товуш эса 332 м. сек. тезликда тарқалади.

Одамлар вақтни улчаш-нинг иложини топишга қа-димдан қизиқиб келган. Миллоддан икки минг йил илгари сув соатлари уйлаб топилган. Ҳозирги замо-навий механик соатларни-иғ аждодларини хитойлик И. Син ва Лан Линзан 725 йилларда ясаган ва ни-ҳоят замонавий соатлар Х. Гуйгенс томонидан 1657—70 йилларда ясал-ган.

Хозирги маълумотларга қараганда энг қадимиг қо-ғоз пул деб миллоддан ил-гари 812 йилларда муома-лада бўлган Хитой пули са-налади. Бундай қоғоз пул-лари фақат мелодий 970 йилларга келибгина дун-да тарқалган.

Бугунги кунда меҳрос ва меҳросқурлар кўнайиб қол-ди. Яқинда бир бой уч йў-лига 17 та «Нексия» кол-дирипти ва уз васиятида катта ўлғига машиналарни-иғ ярмини, уртанча ўлғига учдан бирини ва кенжатоғига тўққиз-дан бирини олишни васият қилипти. Ма-шиналарни бўлишда жан-жал қичқипти, қаранги, бу жанжални туман судьяси уз машинасида гиҳ этиб етиб келиб осонгина ечиб ака-укаларни энди тинч-тотув яшайверинлар деб жунаб кетди. Судья муаммони қандай ечди экан-а?

Яқинда туманимизда бир авл бозорга бир че-лак тухум олиб кетаётган-да унинг челагини фаву-лодда бир киши қулидан тушириб юборибди. Олийжаноб киши тухумла-рингиз нечта эди, уларни-иғ товонни тулайин дей-ди. Авл тухумларининг ум-ий сонини билмайди.

Биласизми?

ҳавзаларидан бири бу Ти-нч океани. Унинг майдони денгизлари билан 179,7 миң км2, ҳажми 723,7 км3, уртча чуқурлиги 4188 м. ва энг чуқур жойи 11022 м.

Хозирги маълумотларга қараганда энг қадимиг қо-ғоз пул деб миллоддан ил-гари 812 йилларда муома-лада бўлган Хитой пули са-налади. Бундай қоғоз пул-лари фақат мелодий 970 йилларга келибгина дун-да тарқалган.

Бугунги кунда меҳрос ва меҳросқурлар кўнайиб қол-ди. Яқинда бир бой уч йў-лига 17 та «Нексия» кол-дирипти ва уз васиятида катта ўлғига машиналарни-иғ ярмини, уртанча ўлғига учдан бирини ва кенжатоғига тўққиз-дан бирини олишни васият қилипти. Ма-шиналарни бўлишда жан-жал қичқипти, қаранги, бу жанжални туман судьяси уз машинасида гиҳ этиб етиб келиб осонгина ечиб ака-укаларни энди тинч-тотув яшайверинлар деб жунаб кетди. Судья муаммони қандай ечди экан-а?

Аmmo иккитадан солганим-да бир дона ортиб қолган эди, учтадан солганимда ҳам бир дона ортиб қол-ди, турттадан, бештадан, олтитадан солсам ҳам бир дона ортиб қолган эди. Фақат еттитадан солга-нимда биронча ҳам орта-миди, дейди. Бунн эшитиб турган бир бола масала-ни енгилгина ечиб берди ва тухумларнинг нечтали-гини айтди. Сизнингча, тухум нечта эди.

Шахматнинг ватани Ша-рқ экани ҳаммага маълум. Авваллари тахтанинғ турт томонида ҳам сипоҳлар жойлашганиги қўпчилик-ка маълум бўлмаса керак. Уша шахматларнинг оғайиниси с